

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 25 август ● сешанба ● № 36 (653) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»

Мустақиллик

18 йил

Озод ва обод юрт одамлари



Ёшлар нигоҳи

Муқаддас остона

ҲАР БИР мамлакатнинг куч-қудрати, аҳолисининг турмуш-тарзи ва фаровонлиги маълум маънода унинг пойтахти қиёфасида намоён бўлади. Халқимиз 2200 йиллигини нишонлаш арафасида турган азим Тошкент билан ҳар қанча фахрлансак, гурунлансак арзийди.



тахтимизнинг «Тинчлик шаҳри», «Дўстлик шаҳри», «Жасорат шаҳри», «Нон шаҳри», «Бор-роғлар шаҳри», «Шарқ дарвозаси» сифатидаги шухрати машрику мағрибга

ТОШКЕНТ тарих давомида бошидан қанча-қанча синов ва машаққатларни ўтказган, не-не буюк воқеаларнинг гувоҳи бўлган, доимо улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқени сақлаб турган ва шу боис доимо улуғлаб келинган. Пой-

ёйилган. 2007 йили бу таърифлар қаторига «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» деган эътирофнинг ҳам қўшилганидан ҳар биримизнинг қалбимиз қувончга тўлган рост.



Сайлов ва сайловчи

МАМЛАКАТИМИЗДА икки палатали парламент сайловига тайёргарлик жараёни давом этмокда. Айни чоғда ривожланган демократик давлатлар сайлов қонунчилигининг тобора такомиллаштирилаётган миллий қонунчилигимиз билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Шу муносабат билан ўқувчиларимизни қизиқтираётган саволларга мунтазам равишда жавоб бериб боришга ҳаракат қиламиз.



— Маълумки, мамлакатимизда сайлов жараёнларида тенглик, ошкоралик сингари тамойиллар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга эришишнинг асосий мезони саналади. Айтинг-чи, хорижий мамлакатларда ҳам бундай тамойилларга риоя этиладими?

Д. АХМЕДОВА, талаба

— Хорижий мамлакатлар таърибасида мазкур принципларнинг доимий амал қилишини таъминлаш учун шундай механизм яратилганки, табиий равишда сайлов жараёнларида турли сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатларида унга риоя этилиши қатъий назорат қилинади. Таъкидлаш

жоизки, сайлов ўтказишда АҚШ-да Конгресс, Францияда Конституциявий кенгаш, Германияда Федерал мажлис, Италияда Президент, Испанияда Кирил, Англияда Кирилича давлат ва миллат рамзи сифатида парламент сайловларини эълон қилади ва унинг ҳақиқийлигини белгилайди.

— Хорижий мамлакатларда сайлов жараёнида халқаро кузатувчилар иштироки қандай йўлга қўйилган?

С. ТОШМАТОВА, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани

— Аксарият ривожланган демократик мамлакатларда халқаро кузатувчиларнинг иштироки тўла таъминланади. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, халқаро кузатувчилар фаолияти халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, ЕХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИ-ХБ) ҳужжатлари ҳамда тегишли давлат қонунлари билан тартибга солинади.

Д. РАҲИМБЕКОВА тайёрлади

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ВА ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

Ижрога юборилди

ФУҚАРО О.Саидовнинг аризаси фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судида кўриб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманларо судининг 2009 йил 13 июлдаги ҳал қилув қарори билан даввогар Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг фуқаро О.Саидовнинг манфаатларини кўзлаб, жавобгар Ф.Ходжакуловга нисбатан шартномага асосан вужудга келган қарзни фоизи билан ундириш ҳақидаги даввоси қаноатлантирилган.

Жавобгар Ф.Ходжакуловдан фуқаро О.Саидовнинг фойдасига 14.994.952 сўм асосий қарз ва 500.000 сўм маънавий зарар ундириш белгиланган.

Мазкур суднинг ҳал қилув қарори фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманларо суди томонидан 2009 йил 3 августда ижро варақа билан бирга суд ижрозчилари Самарқанд шаҳар бўлимига ижро қилиш учун юборилди.

Ф. СУБХАНКУЛОВ, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси

ТАРҒИБОТ САМАРАСИ: фаолиятимиз мезони ҳамда тизимдаги ислоҳотлар раванқини белгилайди

Репродуктив саломатлик



АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Самарқанд шаҳар «Бахт уйи»да вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 1-ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ҳамда «Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантиришда ФХДБ органларининг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

УНДА Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари, шунингдек, вилоят ҳудудидаги барча ФХДБ мудирлари ва нотариуслар, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда марказий ва маҳаллий ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳисобот даврида вилоят адлия бошқармаси томонидан 5 та норматив ҳужжатлар бўйича тақлифлар киритилиб, 35 та норматив характерга эга бўлган қарор лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Маҳаллий давлат ҳокими-

яти ва бошқарув органлари, назорат қилувчи идоралар томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш ҳамда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши аҳолини ўрганиш мақсадида бошқарма томонидан 2009

йилнинг 1-ярим йиллигида вилоятдаги 15 та туман ва шаҳарларда 435 та текширишлар ўтказилиб, текширишлар давомида жами 2501 ҳолатда қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида уларга тақроран йўл қўймаслик тўғрисида жами 364 та тақдимномалар ва ёзма кўрсатмалар киритилди. Уларга асосан, 2411 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, шунингдек, шартномавий муносабатлар бўйича 1 миллиард сўмдан ортиқ 1026 та давво аризалари киритилди.



Адлия минбари

ЖАҲОН саҳнида, дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллаган мамлакатимиз ахли биз учун энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги шодоналарини нишонлаш арафасида турибди. Озод ва обод юртимиз бўйлаб шу кутлуг шодона шуқуқи кезмоқда. Яратувчи халқимиз қалбида бунёдкорлик иштиқи тобора юксалиб бормоқда. Юртимиздаги осойишталик, тинчлик-хотиржамлик, буюк келажакимизга бўлган қатъий ишонч, халқимизда мустақиллик деган улуг неъматни асраш, озодлик ва бахт-иқбол йўлида янада жишланиб бир мақсад йўлида дадил, олга интилиш учун кеҳиз куч-қудрат бахш этмоқда. Биз инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, манфаатлари олий қадрият даражасида улуғланган жамиятга яшаймиз. Бугунги бунёдкорликимиз замирида ҳам халқимиз истиқболлини олий ва улуг неъмат эканлигини чуқур англаб етганлиги туйғуси ётибди, десак хато қилмаймиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир юртимизнинг қалбида Ватанга кеҳиз муҳаббат, унинг ҳақ-авайлаш, ардоқлаш туйғуларини мустақамлаб бормоқда. Ҳар бир фуқаро ўз икболини шу юрт истиқболи билан муштараклигини англайди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат ва жамоат ташкилотлари, турли муассасаларнинг ўз олдига қўйган вазифалари туб моҳиятида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек умумхалқ ишида фаол иштирок этиш мақсади мўжассам. Бу интилишларимизнинг ҳаётини ифодаси ўтаётган ҳар бир кунимиз, асрларга татигулик йилларда тора намоён бўлаётди. Жумладан, шу улуг сафда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда муассасалари жамоалари ҳам астойдил меҳнат қилиб, умуммиллий ишимизга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, бу фаолиятимизда жорий йилнинг ярим йиллик якунларига назар ташлаб, шу давр мисолида ҳам Адлия вазирлиги томонидан белгиланган аниқ режалар асосида олиб борилаётган кенг қўлмали ишлар ҳақида сўз юритиш мумкин.

Бош қомусимиз ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тобора тақвиятлаштирилиб, янада мустаҳкам бўлиб бораётибди. Турли идораларга оборилган фуқароларнинг мурожаатлари ортида, аввало, инсон ва унинг тақдир, ораву-умидлари, ишонч тўғрисидаги адлия идоралари ходимлари чуқур ҳис қиладилар. Масалая инсон манфаати нуқтай назарини ёндашди.

Бу борада олиб борилаётган кенг қўлмали ишлар, фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида жамиятдаги айрим муаммоларнинг туб илдизига етиб бориш, ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан чора-тадбир белгилаш адлия идоралари ходимларининг асосий вазифалари сирасига кириди. Энди аниқ далилларга ўтаск.

2009 йилнинг биринчи ярмида адлия идораларига инсон ҳуқуқлари соҳасида 3012 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шулардан 426 тасини ариза, 2418 тасини шикоят, 168 тасини «Ишонч телефонлари»га қўйилган мурожаатлар ташкил этади.

«Ишонч телефонлари»га келиб тушган мурожаатларнинг 83 таси тўлиқ қаноатлантирилган аҳолининг бу тармоққа бўлган ишончини тобора ошираётди. Шикоятларнинг 1502 таси тўлиқ қўриб чиқилган бўлиб, улардан 539 таси қаноатлантирилган, 737 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган, 741 таси эса қўриб чиқиш учун тегишли идораларга юборилган. Шунингдек, ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқиш асосида улар орасида 153 та мурожаат ўз тасдиғини топмаганини айтиб ўтишимиз мумкин.

Фуқаролардан келиб тушган шикоятлар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу мурожаатларнинг 18,5 фоизи меҳнат ва ижтимоий масалалар, 9,8 фоизи суд қарорларидан норозилик, 4,1 фоизи ер масалаларига оид, 3,5 фоизи суд ижрозлари хатти-ҳаракати устидан, 2 фоизга яқини банк соҳасида, 1,2 фоизи кредит соҳасига тааллуқли, 61 фоизи бошқа масалаларга оид (ўй-ғўй низолари, электр ва иссиқлик энергиясини етказиб беришчи ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот ва солиқ идоралари, нотариат ва ФХД, халқ таълими тизимидagi муассасаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят ва бошқалар) шикоятлар ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур шикоятларнинг 40,7 фоизини ўрганиш натижасида адлия идоралари аралашуви билан фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди. Бу борада қонунбузарлик ҳолатларига барҳам бериш юзасидан тегишли идораларга 588 та тақдимнома киритилди. Ва ўз ўрнида уларда кўтарилган масалалар ўз ечимини топди. Адлия ёрдами билан муаммолар бартараф этилди.

Киритилган тақдимномаларга мувофиқ фуқароларга 795 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Масалан, Самарқанд вилояти оңкология диспансерига киритилган тақдимномага кўра, диспансернинг барча ходимларига 14 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи тўланди. «ТТЗ» ОАЖга ҳам шу масалада киритилган тақдимнома бўйича эса ушбу қороланинг 2678 нафар ходимига 397 миллион сўмдан ортиқ миқдорда маблағ ундирилди.

Мазкур соҳада қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш мақсадида маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида

да 143 та оғохлантириш, 158 та ёзма кўрсатма, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 214 та тақлиф киритилди. Улар асосида 210 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Масул шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ҳам 25 та тақлиф киритилган бўлиб, шулардан 4 нафар масул шахс жавобгарликка тортилди.

Масалан, Халқ банкнинг Кармана тумани бўлими ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан фуқаро Ж.Бўроновнинг мурожаати бўйича Навоий вилояти прокуратурасига киритилган тақлифга кўра, Жиноят кодексининг тегишли моддасига мувофиқ ушбу банк ходимларига ҳамда «Ихтиёр баракка Руло» фирмаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Фуқаро А.Бегматовнинг Ўзбекистон Козогистон «Грандстрой» фирмаси ходимлари уни Козогистон ҳудудида алдов йўли билан қурилиш ишларида ишлатиш билан ноқонуний хатти-ҳаракат қилганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганилиши натижасида Тошкент шаҳар ИИББга тақлиф киритилди. Ушбу фирма ходимларига нисбатан ҳам тегишли тартибда жиноят иши кўзғатилди.

Шунингдек, суд идораларига қўйилган 948 миллион сўмдан ортиқ бўлган 1280 та даъво аризаси киритилди, шундан қўймати 514 миллион сўмдан ортиқ бўлган 1246 та даъво ариза қаноатлантирилди. Суд қарорларига мувофиқ 153 та даъво ариза бўйича 59 нафар мансабдор шахсдан 82 миллион сўмдан зиёд маблағ ундирилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фа-

зарликлар юзасидан тегишли таъсир чоралари кўриляпти.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври томонидан 3959 та тадбиркорлик субъектларига мазкур китобнинг юритилиши юзасидан ўтказилган мониторинг жараёнида жами 279 та ҳолатда уни тўлдиришнинг белгиланган тартиби бузилганлиги аниқланди. Шу масала юзасидан адлия органлари томонидан киритилган 57 та тақдимнома ва 58 та кўрсатма ҳамда оғохномаларга асосан 36 нафар шахсга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишга доир қонунчиликка қатъий этилишини таъминлаш борасида ҳам адлия органлари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириляётган бўлса-да, айрим инспекциялар фаолиятида халқ-ханузага камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кузатилади.

Адлия органларининг масул ходимлари ўтказган ўрганишлар жараёнида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда 1470 та турли қонунбузилиш ҳолатлари борлиги аниқланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамларини очтишда, уларга банклар томонидан хизматлар кўрсатилишида ҳам айрим камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланаётди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилиши таъминланмоқда.

Адлия органларининг жойларда қонун ижросини ўрганишда ҳамда тадбиркорлар ва фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқишда асосий эъти-

фоаллаштирилган олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (янги таҳрир) ва бошқа қонунлар лойиҳалари, Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Ёш оилалар учун уй-жой қуриш ва ипотекалик кредитлашнинг миқёсларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги ва тегишли хулосалар берилганлиги бунга мисол бўла олади. Адлия вазирлигига тақдим қилинган жами 505 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларидан 358 тасига вазирлик раҳбарияти томонидан розилик имзоси қўйилган бўлиб, улардан 91 таси бевосита вазирликда ишчи тартибда қайта ишланди.

Шу билан бирга вазирлиги томонидан 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Уларнинг 12 таси қонун лойиҳасидир. Буларнинг барчаси қонун ижодкорлиги борасида вазирликнинг самарали фаолият кўрсатганлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг II-IX бўлимларида ишлаб чиқилиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг умумий мониторинги олиб боришда ҳамда ушбу ҳужжат лойиҳаларининг тайёарлишида ҳуқуқшуносларимиз иштирок этиб келмоқдалар.

Бугунги кунда Инкирозга қарши чо-

рорларни ва муассасалари томонидан амалга ошириляётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг салмоғи ва самараси анча ошди, десак янглишмаймиз. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари аниқ режалар асосида ташкил қилинаётди.

Амалдаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, уларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига теран идрок билан қараш ҳиссини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва тафаккурини юксалтириш мақсадида адлия органлари ва муассасалари томонидан 24 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Шулардан 4855 таси оммавий ахборот воситалари орқали олиб боришнинг миллионлаб томошабин ва мухлисларни жамлаган ОАВ билан ҳамкорлигини раванк топаётганлигини натижақидир.

Жойларда аҳоли билан бевосита жонли мулоқотда бўлиш, бу йўналишдаги фаолиятимизнинг муҳим жиҳати саналади. Буни 18223 мартаба оғзаки тарғибот тадбирларининг тушунтириш маърузалари, давра суҳбатлари, семинарлар, илмий-амалий конференциялар тарзида ўтказилганлигига ҳам яққол қўриш мумкин.

Шунингдек, 286 та дарслик, ўқув, ўқув-устулий қўлланма ва бошқа материаллар чоп этилди, тарғибот ишларини кўргазмали қурооллар ёрдамида олиб боришга ҳам алоҳида эътибор берилиб, 682 турдаги плакат ва буклет-

лари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш», «Тиббий генетик масалалар — соғлиқнинг гаровидир», «Тугма ва ирсий касалликлар профилактикаси» каби қўллаб-қувватлаш маърузалари ҳодимлари, журналистлар, педагоглар ва бошқа мутахассисларнинг биллими оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этилди.

Ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги фаолиятимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мавзусига доир тарғибот тадбирлари муҳим ўрин тутади. 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан мазкур йўналишда ҳам 2653 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобидаги материаллар, қондалар ва хулосаларни ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар комплекси тўғрисидаги фармойишда белгиланган вазифалар юзасидан адлия органлари ва муассасаларида барча ходимлар иштирокида мазкур китобнинг мазмун-моҳиятини қўриб олишга ўрганиш бўйича ўқув машғулоти ташкил этилиб келинаётди. Шу билан бирга бошқа ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ҳам мутахассислар ушбу асардан кенг фойдаланишаётганини таъкидлаш лозим.

Тошкент Давлат юридик институтида, Тошкент юридик коллежида Президентимизнинг мазкур китоби ўқув дастурларига киритилганлиги талаба ва ўқувчиларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштиришга ёрдам бераётди. Шу мақсадда «Ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси ўқитувчилари томонидан алоҳида дастурлар, услубий тавсиялар, маърузалар матни тайёрланиб, Ахборот ресурслар мақсадида талаба ва ўқувчиларнинг бу материаллар билан тўлиқ танишиш имконияти яратилди. Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ҳам шу мавзуга доир факультатив дарслар ташкил қилинган.

Жамият ҳаёти, соҳалар тараққиётида юртимизнинг жонқуяр, фидойи аёлларининг муносиб ўрни борлиги ҳар томонлама яратилган имкониятларнинг ҳаётини ифодасидир. Шу боис хотин-қизлар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, фермер аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга яратилган имтиёзлар юзасидан амалдаги меъёрий қонун ҳужжатларини тушунтириш ва тарғиб этиш бўйича жойларда амалий семинарлар, жонли мулоқотлар ташкил қилинган.

Айниқса, аҳоли ўртасида диний экстремизм, терроризм ва миссионерлик каби иллатларнинг салбий оқибатларини кенг қамровда тушунтириш хөзирги даврда муҳим вазифалардан бири саналади. Шу мақсадда жойларда «Миссионерлар ким ва уларнинг мақсади нима?», «Диний экстремизм ва миссионерликнинг салбий оқибатлари» мавзусида 886 мартаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилган. Мавзуга оид рисоалар, савол-жавоб ва шарҳ тарзидаги қўлланмалар, плакатлар ва буклетлар тайёрланган.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бўйича ишлаб чиқилган Адлия вазирлигининг тармоқ дастури ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг марказий аппарати ҳамда ҳудудий адлия органлари ходимлари томонидан 2009 йил давомида бошқа идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ аҳолиси ва ёшлари ўртада ўтказилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси амалиётга йўналтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳамкорлик режалари икки томонлама ажрога қаратилди. Улар асосида 2009 йил биринчи ярим йиллиги давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан — 497 мартаба, Олий ҳўжалик суди билан — 143 мартаба, Бош прокуратура билан — 581 мартаба, Ички ишлар вазирлиги билан — 798 мартаба ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш мақсадида Адлия вазирлиги билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида талаба ва ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларга кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ўрта махсус таълим вазирлиги билан — 541 мартаба, Халқ таълими вазирлиги ҳамда ўрта махсус таълим вазирлиги билан — 1058 мартаба тадбирлар ўтказилди.

Бинобарин, ҳар бир соҳада амалга ошириляётган туб ислохотлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари мазмун-моҳиятини халқимизга тушунарли тарзда етказиш жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир кишида қонунларга ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлаш, пировардида ҳуқуқий демократик жамият қуришга хизмат қилади. Бу борада ҳар томонлама мукамал тарғибот олиб бориш, омма орасида қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, жамиятда қонунийликни таъминлаш учун амалий саъй-ҳаракатлар қилиш Адлия вазирлиги учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

Равшан МУХИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ, ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

жамиятда қонун устуворлиги таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир

олиятини ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Бу борадаги мавжуд қонун ҳужжатларини ҳаётга иччил таътиб этилишини таъминлаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини нафақат тадбиркорларга, балки кенг жамоатчиликка тушунтириш муҳим ва устувор вазифа этиб белгиланган. Иқтисодиётимиз таянчи бўлган бу соҳа вакиллари ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга яратилган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланишларига кенг йўл очмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш, шу соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан 2009 йилга мўлжалланган ҳаракат Дастури тасдиқланиб, унинг ҳар бир банди ижроси алоҳида назоратга олинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи ва лицензия бериувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига риоя этилиши, улар фаолиятига асосиз аралашувларга, йўл қўймаслиқни таъминлаш юзасидан 2009 йил 26 февралда тасдиқланган тадбирлар режаси амалиётга жорий қилинди. Ҳар бир иш ва ҳаракат ўз самараси билан тўла маънода мазмун-моҳиятга эга бўлади.

Жумладан, адлия органларига 2009 йилнинг 6 ойи давомида тадбиркорлардан жами 1144 та шикоят келиб тушди ва шулардан 943 таси қўриб чиқилиб, қонуний ечим топди, 116 таси тегишлилигига кўра бошқа идораларга юборилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар қўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган «Ишонч телефонлари»нинг ҳам мунтазам равишда ишлаётганлиги тадбиркорларга янада қўлайлик яратмоқда. Буни ҳисобот даврида «Ишонч телефонлари»га тадбиркорлардан жами 799 та мурожаат келиб тушганлигига ҳам қўриш мумкин. Энг муҳими, уларнинг барчаси қўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди, уларни қизиқтирган масалалар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув ҳамда улар фаолиятига ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олишда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг жорий қилинганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда 300 мингдан ортиқ тадбиркорлар ушбу китоб билан таъминланди. Шунингдек, тадбиркорларнинг эҳтиёжлари ўрганилиб, жорий йилда қўшимча равишда яна чоп этилган 20 миң дан китоб айна пайтда жойлардаги тадбиркорлик субъектларига етказиб берилмоқда.

Шу билан бирга жойларда, «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг юритилиши юзасидан доимий мониторинг ўтказилиб, аниқланган қонунбу-

бори уларнинг бузилган ҳуқуқларини тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибиде тўлиқ тиклаш, айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг ундириб берилишини таъминлаш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда.

Тадбиркорларнинг, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида адлия органлари томонидан 1346 та тақдимнома, 941 та оғохнома ва 290 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 1801 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 105 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Адлия идоралари киритган тақлифлар ҳамда расмийлаштирилган маъмурий баённомаларга асосан 243 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, қонунбузилиш ҳолатларини содир қилган мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган тақлифлар асосида 7 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатилганлиги ноқонуний қилинмишга жазо муқарарлигини аниқлаштириш билан бир сўмдан кўп қилдирилди.

Кўрилган чоралар натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чекашга олиб келадиган давлат бошқаруви идораларининг 384 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди. Бир сўз билан айтганда, Адлия вазирлиги ҳамда ҳудудий адлия бошқармалари томонидан тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, давлат органлари, назорат қилувчи ва лицензия бериувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни чекаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик қўсиқларнига йўл қўймаслиқни таъминлаш бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақил мамлакатимизнинг ҳар томонлама юксак тараққиёт этиши, ислохотларнинг қутулган самаралар беришида ҳар бир соҳада қонун устуворлигининг таъминланиши муҳим ўрин тутади. Бу эса миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш, тараққиёт талабларини келиб чиқиб зарур ўзгартириш ва қўшимчалар билан тўлдирилишига боғлиқдир. Шу маънода вазирлик мутахассислари қонун ижодкорлиги жараёнида фаол қатнашаётганлиги эътиборга молик, албатта.

Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил I ярим йиллиги даврида жами 505 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тегишли хулосалар берилган. Жумладан, 63 та қонун лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2 та қарори лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 115 та Фармони, Қарори ва Фармойиши лойиҳалари, Вазирлар Маҳкамасининг 325 та қарори ва фармойиши лойиҳалари.

Хусусан, вазирлик томонидан «Одам танаси аъзолари ва тўқималарини қўчириб ўтказиш тўғрисида»ги, «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги», «Жиноий

рлар Дастурида белгиланган вазифаларнинг оғишмай баҳариллаётгани мамлакатимизда молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Ушбу Дастур ижроси бўйича вазирлик ва идоралар томонидан тақдим қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг қисқа муддатда ва сифатли қўриб чиқилиши таъминланмоқда. Зеро, бундай муҳим ҳужжатларнинг ҳаётини ва ҳар томонлама мукамаллиги Ватанимиз равақли, халқимиз манфаати учун хизмат қилади.

Идораий норма ижодкорлиги соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив ҳусусиятга эга бўлган қарорлар лойиҳаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан 2009 йилнинг 6 ойи давомида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинган 298 та ҳужжатнинг 152 таси давлат рўйхатидан ўтказилган,

31 август — Катагон қурбонларини ёд этиш кунини

Қонунсизлик қурбони

(Қори Йўлдош Пўлатовнинг ҳаёти, фаолияти ва аччиқ тақдири ҳақида)

XX АСРНИНГ бошларида Бухорода амирликка қарши кураш ва унинг ўрнига ўрнатилган Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924)нинг иқтисодий ва маданий ҳаётида Файзулла Хўжаев, Фитрат каби тараққиётпарварлар билан бирга Қори Йўлдош Пўлатовнинг ҳам хизматлари катта бўлди.

ҚОРИ ЙЎЛДОШ ПЎЛАТОВ 1890 йилда собиқ Бухоро амирлигига қарашли Карки шаҳрида (ҳозирги Туркманistonнинг Чоржуй вилояти) хизматчи оиласида таваллуд топади. 1910 йилгача шу ердаги эски усул, сўнг янги усул мактабларида ўқийди, 1916 йил охиригача шахардаги мактабларда муаллимлик қилади. 1917 йил февралдан «Ёш бухороликлар» ҳаракатига қўшилиб, унинг Карки шаҳридаги бўлимига раҳбарлик қила бошлади. 1918 йил «Ёш бухороликлар» билан бирга

амирға қарши курашда фаол иштирок этади. Кураш муваффақиятсизликка учрагач, у Самарқандга келади. Бу ерда Туркiston Автоном Республикасининг Самарқанд вилоятидаги янги маориф, матбуот ходимлари Саид Ризо Ализода, Ҳожи Мўйин, Исмаилов Раҳматуллаевлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Амир ағдарилгач, унинг ўрнига ўрнатилган Бухоро вилояти Халқ жумҳуриятининг маориф ноҳири бўлиб ишлади. У 1920-1924 йиллар ичида янги замонавий руҳдаги таълим-тарбия тизими, янги мактаб ва педбалим юрлари, болалар боғчалари, кутубхона ва музейлар очилишини йўлга қўйиб, янги матбуот ва адабиёт, театр барпо этилишида фаол иштирок этади.

Тошкентдан Бухорога келган Мунаввар қори Абдурашидхоновни ўзининг вақф ишлари бўйича ўринбосари Мухаммад Соиб Ахрорий, Чўлпон, Лазиз Азиззода каби арбобларнинг «Бухоро ахбори», «Учқун», «Нашир маориф» каби янги газета ва журналлардаги ишларига яқиндан ёрдам беради. Натигада Фитратнинг «Маориф ишлари» («Учқун», 1923), С.Ахрорийнинг «Давлат ишларида ердиларга ёрдам» («Озод

Бухоро» газетаси, 1923 йил, 6 ноябрь), Файзулла Хўжаевнинг «Солиқ масаласи», Лазиз Азиззодининг «Иқтисодий ишларимиз» мақолалари, Чўлпоннинг «Халқ» ва бошқа шеърлари эълон қилинади.

1924 йил охирида Қори Йўлдош Пўлатов Ўзбекистон молия вазири этиб тайинланади. У мазкур вазифада 1929 йилга қадар ишлаб, ўша даврдаги атоқли давлат ва жамоат арбоблари билан бирга ўлкада миллий маориф ва маданий-ривожлантириш, бу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига ғамхўрлик кўрсатади.

Германияда ўқиётган талабаларимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли, уларнинг стипендияларини ўз вақтида етказиб бериш ва бу борадаги қийинчиликларнинг олдини олишда ҳам жонбозлик кўрсатади.

Қори Йўлдош Пўлатов 1929-1932 йилларда собиқ иттифокнинг Урта Осиё банки бўлими бошқарувчиси вазифасида ишлади. С.М.Кировнинг ўлдирилиши муносабати билан бутун иттифокда бошланган партиани тозалаш кампанияси гирдобига ўнлаб зиёвлар қаторида Қори Йўлдош Пўлатов ҳам тушди. У собиқ жадидчилик, миллатчилик ташкилотларининг аъзоси бўлган, деган сохта айб билан қораланиб, партия сафидан чиқарилади, ишдан четлаштирилади, 1937 йил 11 июлда қамоққа олиниб, 1937 йил 5 ноябрда, тўхмат асосида 10 йил сургунга маҳкум этилади.

1947 йил сургун мuddати тугаб, Ўзбекистонга қайтади, лекин унинг уй-жойи мусодара қилиниб, оила аъзолари халқ душманининг яқинлари сифатида таъқибу ва қувғинга оид кечираётган эди. Шунинг учун унга Тошкентда яшаш ва ишлашга ҳам рухсат берил-

майти. Шундан кейин у Чиноз туманидаги бир совхоз боғида қоровул бўлиб ишлаб бошлайди. Орадан икки йил ўтгач, НКВД исковчлари уни яна излаб топиб, ўша ердаги ғариб кулбасида қамоққа олади.

1949 йил махсус қарор билан яна 10 йил сургунга ҳукм этилади.

Шундай қилиб, у Тошкент қамоқхонасидан Красноярский ўлкасига сургунга юборилади. Ва у ердаги Игарка шаҳрида 5 йил 8 ой давомида оғир меҳнат ва азобларни бошидан кечиради. 1954 йил сургундан қутулиб, Ўзбекистонга қайта-

нинг Қори Йўлдош Пўлатовнинг Бухорода Халқ маорифи Нозир ва Ўзбекистонда Молия Вазири лавозимларида ишлаганида миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлган эди, деган уйдирма кўргазмалари ҳисобга олинганлиги, қайта текшириш пайтида бу кўргазмаларнинг бўҳтонлиги аниқланади. 1956 йил 18 декабрда Ўзбекистон ССР Олий суди ўзининг махсус ёпиқ мажлисида бу масалани қайта кўриб чиқиб, Қори Йўлдош Пўлатовга нисбатан Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги қошидаги учлик комиссиясининг 1937 йил 5 ноябрда чиқарган ҳукмини, бекор қилади, у шундан сўнггина расман оқланади.

Лекин шунга қарамадан турғунлик йилларида советларнинг ёвуз катагон сиёсати оқибатида бегуноҳ қамалган кўплаб ватандошларимиз каби Қори Йўлдош Пўлатов ҳам узоқ йиллар шубҳа ва гумонлардан қутулмай, охир-оқибатда оғир руҳий ва жисмоний касалликлар таъсирида 1965 йили армон билан дунёдан ўтади. Унинг ҳақиқий тарихий хизматлари фақат Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейингина холис баҳосини ола бошлайди. Бу даврда нашр этилган Ўзбекистоннинг янги тарихига оид тадқиқот ва мақолаларда унинг фаолиятига ўтмишда совет мафқураси нуқтаи назаридан билдирилган муносабатлар ўрнига янги миллий истиқлол мафқураси асосида



қайта баҳо берила бошланди. Бу жиҳатдан, айниқса, профессор Наим Каримовнинг «Тадқир ўйини» («Хуррият» газетаси, 2001 йил 29 август) мақоласи, Шодмон Ҳайитов, Камол Раҳмоновларнинг «Истиқлолнинг икки фарзанди» (Бухоро, 2003) китоблари характерли бўлиб, уларда Қори Йўлдош Пўлатовнинг Бухоро Халқ Республикаси, Ўзбекистон Маорифи ва

Иқтисодиёти тарихидаги хизматлари янги архив ва матбуот материаллари асосида холис ёритила бошланди.

Шерали ТУРДИЕВ

ТАРҒИБОТ САМАРАСИ: фаолиятимиз мезони ҳамда тизимдаги ислоҳотлар равнақини белгилайди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Матбуот анжуманида ўтган давр мобайнида вилоят адлия бошқармаси томонидан 1000 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилганлиги таъкидланди.

Тадбирда, шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятни ошириш йўналишида янада самарадорликка эришиш юзасидан ФХДЭ органлари олиб бораётган тадбирлар ва навбатдаги вазифалар борасидаги ҳисоботлар тингланиб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди. Бу борада амалга оширилётган тадбирларнинг маҳаллий ва марказий ОАВда кенг ёритиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва уларнинг ижроси назоратга



олиниши белгиланди. Шунингдек, тадбир давомида вилоят адлия бошқармасининг янги ташкил этилган веб-сайтининг тақдими ўтказилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Муқаддас остона

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Истиқлол йилларида, яъни кейинги 18 йил мобайнида пойтахтимизда барпо этилган иншоотларни санаб, саногига етиш мушкул.

Она шаҳаримиз қиёфасининг шарқона, ҳар бир иншоотнинг ўзига хос, бетакрор кўринишига ва кўркам мейморий ечимга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Бунёдкорлик халқимизга бобомерос қазилат. Ана шу фазилат истиқлол шарофати билан янада кенг қулоч ёйди.

Одатда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар ва хорижлик сайёҳлар пойтахтимиз марказидаги мазмунан бир-бирини тўлдириб турган, «Те мурийлар тарихи» Давлат музейи ва Амир Темури хибони-ни сайр этмасдан кетмайди. Шаҳидлар хотираси мажмуи ва Хотира майдони Батан озодлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимизга ҳурмат ва

эҳтиром ифодасидир. Тошкент мустақиллик йилларида, айниқса, ободонлаштирилди ва кўркамлашди, йўллар кенгайтирилди, янги ўқув юрлари барпо этилди. Ҳозирги вақтда замонавий меҳмонхоналар, Миллий банк бинолари, «Тошкентленд»,

фаолияти ва улардаги шарт-шароитлар яхшиланди. Бир сўз билан айтганда, барча эзгу амаллар халқимизнинг бунёдкорлиги, келгуси авлодларга обод ва озод Ватан қолдириш ишқи билан яшаётгани натижасидир.

Шарқнинг маърифат бешикларидан бири сифатида доврқ қозонган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги мамлакатимизда нишонланадиган катта тўй эканлиги боис, шу кунларда бу қутлуқ санага тайёргарлик шухуқи юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ватанимизнинг муқаддас остонаси, давлатимизнинг бош шаҳри бўлиши азият Тошкент билан бутун Ўзбекистон халқи, барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз!

Гўзал ЭРҒАШЕВА, 110-мактабнинг 9-синф ўқувчиси



«Мирзо Улуғбек», «Бобур», «Ғофур Фулом» сингари истироҳат боғлари ишлаб турибди. Шунингдек, улкан спорт иншоотлари, музей, кутубхона, санъат саройлари каби маданий-маърифий марказлар

Манаманг вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2009 йил 14 августдаги қарорига асосан Уйчи тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси вазифасини бажарувчи нотариус Муҳиддинов Аҳмад Тўйчибоевичнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси икки ой мuddатга тўхтатилди.

БУГУНГИ кунда трансмиллий кўлам касб этиб, тобора кучайиб бораётган одам савдоси жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётгани ҳеч кимга эрс эмас. Глобаллашув жараёнида бу ўта жирканч жиноят мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари» асарига «Енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарҳаси турли мамлакатлардаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, халқаро жиноятчи ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли. Уларнинг фаолият соҳаси барчага маълум: у нопок пул топиш имкони бўлган ҳамма жойда қўлланилади», деганларидан нечоғли ҳақ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ҳозирда дунёдаги барча мамлакатлар турли кўринишдаги бу иллатдан жабр кўрмоқда. Шу сабабли одам савдоси жиноятининг ҳар қандай кўриниши ва турлари трансмиллий, яъни чегара билмас эканлиги сабабли, унга қарши халқаро миқёсда олиб борилаётган кураш қизғин туш олган бўлиб, бу ҳар бир давлатнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва конвенцияларга қўшилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда ҳам одам савдосига қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди ва бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Жиноят кодексига бу каби жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган меъёрлар мавжуд. Шунингдек, 2008 йилнинг апрель ойида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қўчга кирди. Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида «Бирлашган миллатлар ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси» (Нью-Йорк, 2000 йил 12 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, эъллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколини ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонун маъқулланди. Бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги

ижроси одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқбузарликка, бу каби жиноятларга чек қўйиш ва олдини олиш билан боғлиқ умуминсоний курашда муҳим аҳамият касб этади.

Инсон — олам сарвари, деган улуг таърих фар бир одамга таалуқли, албатта. Лекин ҳар қандай қабихликдан қайтмай-диган, инсонийликдан буткул йироқ кимсалар ўз манфаати учун алдов йўли би-

Сайёрамиздаги сарқад билмас жиноят

лан одамларни яширин жиноий даромад манбаига айлантиришга уринмоқдалар, ҳаётига зомин бўлмоқдалар. Жиноятчиларнинг бундай қилмишларни бир неча давлатлар доирасида амалга оширишлари муаммонинг нақадар мураккаб ва глобал тусланганлигини билдиради.

Мамлакатимиз фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш ҳаммасидан ҳам муҳим, албатта. Трансмиллий жиноятлар, шу жумладан, одам савдосига қарши курашиш юзасидан қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишининг аниқ ва самарали механизмлари ишлаб чиқилганлиги бу борада кенг кўламли ишлар қилинаётганлигини кўрсатиб турибди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси бу борада кенг фаолият юритмоқда. Энг муҳими, ушбу жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга кенг жамоатчилик жалб этилган, бу муҳим иш барча ташкилот ва муассасалар, ай-



Хавф

никса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига катта масъулият юклайди.

Хусусан, Адлия вазирлигининг Президентимизнинг мазкур Қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси асосида жойларда ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларига аҳолининг турли қатламлари жалб этилаётир. Шунингдек, одам савдоси, унинг салбий



оқибатларини акс эттирувчи плакат ва буклетлар тайёрланиб, жойларда тарқатилаяпти.

Ушбу Қарор билан тасдиқланган 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасининг тегишли бўлимларида мувофиқ, бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам беришга йўналтирилган тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Шу ўринда айрим рақамларга муро-

жаат қилсак, 2009 йилнинг январь-июль ойлари давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оmmasи орасида тушуни-тириш юзасидан жами 2285 маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Тарғиботнинг энг таъсирчан воситаси бўлган марказий ва маҳаллий ОАВ имкониятларидан кенг фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этаяпти. Телевидение, радио, газета ва журналлардаги чиқишларда фуқароларнинг ўз тақдирларига асло бефарқ бўлмастиклари, турли мақсадларда ноконуний йўллар билан хорижга чиқишнинг салбий оқибатлари мутахассисларимиз томонидан содда ва ҳаётий мисоллар асосида тушуни-тириб берилмоқда.

Шунингдек, «Одам савдоси — миллатга хиёнатдир», «Инсон озодлиги — олий қадрият», «Одам савдосига қарши курашиш — давр талаби», «Биз ёшлар одам савдосига қаршимиз», «Одам савдосини бартараф қилиш ва унинг олдини олиш» мавзуларида республикамизнинг шаҳар ва туманлари, маҳаллаларда ташкил этилган семинар ҳамда давра суҳбатлари омманинг эъти-

борини тортганлигини таъкидлаш жоиз. Мазкур тадбирларда «Одам савдоси — жиноятдир» мавзусида 2000 нусxada тайёрланган буклет йирилганларга тарқатиб берилди.

Одам савдосига қарши курашиш мавзуси ОАВда кенг ёритилаётганлигини «Ижтимоий фикр» маркази мутахассислари томонидан олиб борилаётган ўрналишлар натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Ушбу мавзуга оид газеталардаги чиқишларнинг 42 фоиздан зиёдини вилоятлар газеталаридаги материаллар ташкил этмоқда. Аксарият материаллар мазмунинда муаллифлар одам савдоси жиноятини чуқур таҳлил қилишга, аниқ мисоллар келтиришга, мавзунини таъсирчан тарзда ифода-лашга жиддий аҳамият берганлиги кузатилади.

Юртимизда фуқароларни одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг муҳим оқибатларидан асраш, ушбу жиноий хатти-ҳаракатлардан жабр кўрганларга амалий ёрдам кўрсатилишига доир чора-тадбирларнинг ҳуқуқий базаси яратилган. Шу билан бирга ўқув муассасаларида, маҳаллаларда тарғибот ишларини кучайтириш, бу ҳақда ҳар бир фуқаронинг етарли маълумотга, тушуначга эга бўлишини таъминлаш, одамларни огоҳликка ундаш энг масъулиятли вазифаларимиз сирасига кириди.

Инсон ҳаёти, шаъни Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва ислом таълимоти бўйича ҳам олий неъматдирки, унинг қадр-қимматини таҳқирлаш энг катта жиноятдир. Шундай экан, бизнинг миллийлигимизга, маънавий-ахлоқий қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган турли кўринишдаги одам савдоси каби разолатга қарши кураш ҳар биримизнинг умуминсоний бурчимиздир.

Тамара ТИЛЛАЕВА, Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлари номзоди

HEMIS ва жаҳон классик адабиёти даҳларидан бири Йоханн Волфганг Гёте (1749-1832) ижоди инсоният бадий тафаккурининг олтин саҳифаларидан биридир. Бу йил жаҳон жамоатчилиги шoirнинг 260 йиллигини нишонламоқда.

ЛЕЙПЦИГ ва Страсбург университетларининг юридик факультетларини тугатган ёш Гёте аввал Майндаги Франкфурт ва Вейцлер шаҳарларида юрист бўлиб ишлаган. Гёте ижодининг дастлабки даври (1770-1775) «Бўрон ва шиддат» адабий ҳаракатига боғлиқдир. У бу даврда Страсбургда яшаб, «Гец фон Берлихенген», «Клавихо», «Стелла», «Ёш Вер-

диссертация химоя қилган. Халқ шoirи, Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг таржимонлик истеъдоди тўғриси Гётенинг шоҳ асари — «Фауст»ни она тилларида мутолаа қилишга муяссар бўлган ўзбек китобхонларига немис мумтоз шoirининг ўз ҳуқуқий таълими ҳақида Фауст тилидан баён этган куйидаги сатрлари билан яхши таниш:

бечор қилиш иши билан бош-лашга тўғри келган. Бу суд иши моҳияти куйидагичадир: мўъ-жаз чинни қорхонаси эгаси хи-собланган ота мулкига шерик бўлган ўғлини меросхўр қилган. Мерос шартига кўра отаси ва-фот этган тақдирда бутун қор-хона ўғил номига ўтарди. Аммо у бунинг эвазига икки сингли-сига муайян миқдорда маблағ тўлаши керак эди. Лекин нима учундир ота ўз қарорини ўзгар-тириб, ўғлидан мерос шартини бечор қилишни талаб этган. Гётени адвокатликка ёллаган ўғил ўз ҳуқуқлари химоя қили-шини илтимос қилган. Шарт-номада агар ота-ўғил ўртасида келишимовчилик келиб чиқса, ота ўғлига қорхонани ҳаётлик вақтидаёқ хатлаб бериши кўзда тутилган эди.

Гётенинг муҳолифи бундай эҳтиросли нутққа жавоб қай-тармаслиги мумкин эмасди. Шу тўғриси суд жараёнида икки адвокат ҳам «қарши то-монини ҳақоратловчи номуно-сиб сўзлар, нутқ услубига кўра нафақат ҳозир бўлганлар гаши-га тегадиган, балки жамоа хул-қига зид иборалар ишлатаёт-ганликлари учун» жиддий огоҳ-лантириш олганлар. Гётени қандай қилиб бўлса ҳам ҳуқуқшунос қилишга қарор қилган отаси уни 1772 йилда Франкфурт яқинидаги Бейцлар шаҳарчасидаги Империя суд па-латасига амалиётчи сифатида жойлаштирган. Уша даврда Кас-сация палатасига ўхшаш бу олий мақом суд идораси энг бе-фойда адлия муассасаси ҳисоб-ланган. Агар отасининг Гётёда суд фаолиятига салбий муноса-бат тугдириш нияти бўлса, у бун-дан-да яхшироқ йўл тутмасди. Бу суд идорасида ўн олти минг иш ҳал этилишини кутиб ётар-ди. Айни вақтда бу ерда пора-хўрлик авжига чиққанди.

Гётё уч ойлик таърибга ор-тиришдан сўнг Франкфурт-Майнга қайтиб келиб, адвокат-лик амалиётини давом эттир-ган ва бир неча суд жараёни-да иштирок этган. Аммо бу жойда унинг ўй-хаёлини ада-бий фаолият қамраб олган.

Айрим суд жараёнлари унинг хотирасида, эҳтимол қалбида ҳам чуқур из қолдирган. Жумла-дан, у фарзандини ўлдиршида айбланган Сюзанна Маргарита Брантнинг катта шов-шувга са-баб бўлган суд жараёнининг гу-воҳи бўлган. Бахтсиз она шай-тон васвасаси таъсирида «ноқ-нуний (никоҳсиз) фарзанд қу-риб, шарманда бўлиш ва одамлар гап-сўзидан қутулиш учун боласи жонига қасд қилган-лигини» очик тан олган. 24 ёшли жиноятчи Франкфурт қамқонаси олдидаги майдонда одамлар кўз ўнгига қатл этилган.

Бу суд жараёни акс-садоси «Фауст»да ўз ифодасини топган:

Маргарита: «Халойиқ юради қатлгоҳ томон, Каттақон майдонга синамас оломон. Мен учун чалинар сўнги кўнгирик, Жаллод бошим узра синдираб таёқ, Чўкаман, тегади бошим қундага, Даҳшат ичра боқар йиғилган одам Мендек маҳкум бўлган осий бандога. Кўзларида кўркүв, гўё хаёлда Уларнинг бошига тушмоқда болта». Фауст: «Ўлсам бўлмасмиди бу кунни кўрмай». Маргарита: «Сенинг ҳукмингдаман, тангрим, ҳоқоним».

Бундан Гётё ўз асари қаҳра-монидек, бечорага ачинаётган-дек туюлиши мумкин. Тагин ким билди дейсиз! Ўз асаридан ўзиб кетган бу инсон худди биз-лардек фикр юритган ва ҳис эт-ганлигига ишонгинг келади.

АкмаЛ САИДОВ, профессор, ҳуқуқшунослик фанлари доктори

Ҳавода қолган насиҳат

қинғир ишга қўл урган ўғил қисмати



Жиноят қасди муқарраб

— ЁШИМ саксондан ўтди. Бу дунёдан, у дунём яқин. Бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда. Шу пайтгача сенинг дастингдан юзим шувут. Авлодимиз шаънига доғ туширдинг. Сенда ор, номус йўқ экан. Сўнги ўтинчим бор. Бу ишларингни қўй, болам. Токи мен гўрда тинч ётай. Ахир, биронинг ҳақи, балонинг ўқи дейдилар. Қинғир ишнинг қийини барибир қиёди. Бу йўлга кирганларнинг қосаси оқармайди...

МИНГ АФСУСКИ, пада-ри бузрукворнинг пайд-насиҳати зое кетди. Урганган кўнгилик ўртанса қўймас деганларидек, ўғирлик, босқинчиликни қасб қилиб олган, муқад-дам бир неча бор судлан-ган, на жамият, на оиласи учун фойда келтирмаган, 1956 йилда таваллуд топган, Каттақўрғон шаҳри, Бозор қўчаси, 26-уйда яшовчи Нарзулло Аҳмедов бу гал ҳам қамқоқ-дан чиққач, кўпчилик қатори, халол меҳнат билан яшашни истама-ди...

Нарзуллонинг ёши элликдан ўтиб, соғлиги ҳаминқадар бўлиб қолган. Шу тўғриси ҳам у нават-даги қинғир ишни амалга ошириш учун ўзига ёш, ғайратли, содда, гўр шериклар ахтара бошла-ди. Кўр-кўрни қоронғида топади деганларидек, Нарзулло ўзи ният қилган шерикларини топди ҳам. Улар 1991 йил таваллуд топган Каттақўрғон шаҳри М.Бобоев қўчаси, 11-уйда яшовчи, муқаддам судлан-маган Фаррух Қўқорков ҳамда 1988 йилда таваллуд топган Каттақўрғон шаҳри, Зирабулоқ қўчаси, 5-уйда яшовчи Алишер Эшпўла-товлар эди.

Босқинчилар гуруҳи шу йилнинг 11 апрель куни келчиси соат 03:30 да Каттақўрғон шаҳри, Ором

қўчаси 2-уйда яшовчи Баҳодир Қаҳқоровниқига «меҳмонга» боради. Улар хонадон соҳиб ва унинг оила аъзоларини уриб, ҳақоратлаб, қаттиқ тан жароҳати етказиб, ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган йўл билан зўравон-лик қилиб, хонадондан 2 дона эркақлар тилла узуги, эркақларнинг 2 дона тилла қўл соати, шунингдек аёллар тилла узуги, ҳовли-да турган «Тико» русумли автомашинадан 50 минг сўм пул ҳамда хонадон соҳиб жамғарган 9500 АҚШ доллари миқдориди-га пулларини олиб, воқеа жойидан гоийб бўлган-лар...

Қилни қирқ ёрадиган ички ишлар бўлими ходимлари ўз вақтида жиноятни фож қилишга киришишди. Жиноят изи совимай бошланган қидириш ўз натижасини берди. Жиноят очилди. Жиноий гуруҳ аъзолари қилмишларига яраша жазо олдилар. Тонг оти-шию кеч кириши муқар-рардек, қилган топади, эккан ўради. Бу ҳаёт қонуни. Бас шундай экан, бир нарса кишини доимо ўйга толдиради. Ҳар биримиз яхши биламизки, қинғир ишга қўл урган киши, албатта, унинг жабрини тортади. Лекин шундай бўлишига қара-май, айрим кимсалар кўра

била туриб, жиноятга қўл урадилар. Масалан, мақолаимиз «қаҳрамон»и Фаррух эндигина 18, Алишер эса 21 ёшга тўлган. Улар билиб-билмай жиноятга қўл уриб, босқинчилик қилди-лар. Энг ёмони, улар жазо муддатини ўтаб қайтга, одамларнинг кўзига қандай қарайдилар?! Умуман олганда, уларнинг жиноят кўчасига кириб қолишига ким айбдор?

Албатта, бу саволга бир сўз билан Нарзулло айб-дор, деб жавоб беришдан осони йўқ. Лекин бу ўринда Фаррух ва Алишернинг ота-онаси, кўни-қўшнилари, қолаверса, маҳалла-қўйнинг ҳам айби йўқми? Нега улар кўз ўнгида улғайган ёшларнинг жиноят кўчасига кириб кетишига томошабин бўлиб туришди?...

Жиноят содир этилди. Жиноятчилар тегизи ҳазо олишди. Шу билан мақолага нукта қўйиш мумкин эди. Лекин ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, юқоридегидек жавобсиз саволлар кишини ўйга толдиради...

Алимжон СУЛТОНОВ, Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги, Азим ҚОДИРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Даҳолар даргоҳи

Биз билган ва билмаган Гётё

«Мен жуда қунт билан, ҳатто ҳафсала ва тиришқоқлик ила адвокатлик қилмоқдаман...»

тернинг изтироблари», «Му-хаммад», «Прометей» каби дра-матик ва насрий асарлар, ли-рик шеърлар ҳамда эстетика-га оид бир неча мақолалар ёзган.

Гётё ижодининг иккинчи, Ваймар даври (1775-1832) шoir ҳаётининг асосий қисми-ни ўз ичига олади. Шoir 1775-1788 йилларда «Бўрон ва шид-дат» адабий ҳаракатининг ин-кирозига сабаб бўлган шпор-мерлик кайфиятидан ўзини тор-тади. Гётё қарашларидаги бу ўзгариш унинг ҳаётидаги му-ҳим ҳодиса — шoirнинг Вай-марга кетиши даврига тўғри келган. Саксен-Ваймар герцог-лигининг пойтахтида у умри-нинг охиригача давлат арбоби бўлиб қолган.



Айни пайтда Гётё тиббиёт, адабиёт ва санъат билан му-назаам шуғулланган. Бу даврда у «Эгмонт», «Торкватто Тассо», «Рим эллегиялари», «Ифигения Тавридада», «Герман ва Доротея», «Вильгельм Мейстернинг ўқувчили йиллари» каби дра-ма, поэма, ва романлар ярата-ди, лирик шеърлар, баллада-лар ёзади. Шoir ижодида му-ҳим ўрин эгаллаган асарлар «Фауст» ва «Гарбу Шарк дево-ни» ҳам айнан шу даврда ду-нега келган.

Буқоқ немис шoirи, ёзувчи, файласуф, немис романтизми, умуман жаҳон маданиятининг ёркин вақилларидан бири Гётё таржимай ҳоли билан муфас-сал таниш бўлмаганлар учун юқорида биз келтирган таъ-риф қутилмаган бўлиши мум-кин.

Ваҳоланки, Гётенинг бутун онгли ҳаёти ҳуқуқшунослик билан боғлиқ бўлган. Биринчидан, юқорида айтган-миздек, у университетда махсус юридик таълим олган, иккинчидан, адвокат сифатида амалий фаолият кўрсатган.

Гётёга ҳуқуқшунослик ота ме-рос қасб. Гётенинг отаси Йоханн Кас-пер (1710-1782) ҳуқуқшунослик доктори илмий унвонига эга бўлиб, ҳаётдаги муваффақият-ларига бевосита юристлик кас-би тўғриси эришганлигини эътироф этиб, яққо ягона ўғлининг яшашдан мақсади одил судлов тангриси — Фе-мидага хизмат қилишда, деб билишини хоҳлаган.

Гётё ўз юридик таълимини Страсбург университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ниҳоясига етказиб, ҳуқуқшунос-лик лицензияти унвони учун

«Илоҳиёт ила банд бўлдим, Фалсафада хирадманд бўлдим. Бўлдим яна адолатшунос, Ҳаким бўлдим — табиатшунос».

Гётё ҳуқуқшунослик фанини ўрганибгина қолмасдан, 1771 йилдан 1775 йилгача Франк-фурт ва Вейцлер адвокатлик қилган. Франкфурт шаҳар ар-хивида бугунгача Гётё олиб борган 28 та фуқароларик иши баённомалари ва 70 та сўрови сақланиб қолган.

Гётё ўз юристлик фаолияти ҳақида гапира туриб, «мен кун-нинг энг яхши қисмини отам кўрсатмасига мувофиқ адво-катурага сарфлардим, шунинг учун бахтлиман дейишга ҳами-ша сабаб топиладими», деб қайд этган.

У юрист дипломи билан Страсбургдан Франкфуртга қайтиб келганида осонгина адвокатлар сафидан ўрин олган. 1771 йил 28 августда Гётё Франкфурт судига адво-катликка қабул қилиш ҳақида илти-моснома тақдим этган. Бир неча кундан кейин-ноқ бу муражаати ижо-бий ҳал қилиниб, Гётё 3 сентябрда ҳам ша-ҳар суди адвокати, ҳам Франкфурт фуқароси сифатида қасамёд қил-ган. Унга ўз миқозла-ри доирасини шакл-лантиришда тоғаси,

адвокат Йоганн-Иост Текстор ҳаёти ҳаёти ҳуқуқшунослик ва бургомистр бўлиб, улар оиласидаги ҳуқуқ-шунослар бой адвокати-лик амалиётига эга бўлганлар.

Гётё ўз адвокатлик идорасини отасининг Гроссер-Хиртграбен-даги уйида очган. У ҳу-қуқшуносликка оид иш-ларни отасининг кўма-гисиз ўзи муваффақият-ли олиб борган. Отаси империянинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлган-лиги сабабли амалда бу ишларни олиб бора олмасди.

Гётенинг таржимаи ҳолини ўрганганлар унинг миқозлари ўрта-ҳол майда фермерлар ва ишчилар бўлганли-гининг гувоҳи бўлишад-ди. Бу миқозлар ора-сида қардорлар ва судхўрлар, акционер-лар ва мулк эгалари, ижарачилар ва мерос-хўрлар ҳам учраган.

Шуниси эътиборли-ки, Гётёга судда ўз ад-вокатлик фаолиятини мерос билан боғлиқ жамоа шартномасини



Гётё бутун ёшлик шижоати билан «жангга ташланади». Бу жараён янги адвокатнинг сало-ҳиятини тўлалигича очиб бер-ган. Адвокат Гётё ижобий ҳуқуқ қоидаларини тан олмас, очик-роғи, кўргани кўзи йўқ эди. У қонун тамойилларига таяниб иш кўриш тарафдори эди. Соғ-лом ақл ва адолат тўғрисига му-рожаат қилган Гётенинг гоёт шoirона нутқлари айни пайт-да расмиятчиликка мутлақ эътиборсизлиги билан ажра-либ турарди.

Гётё химоячи сифатида ўзи ютиб чиққан биринчи суд иши-да рақибидан яққол устунлик қилган. У бу ишда муҳолифи, ҳаётда дўсти адвокат Моорсни аяб ўтирмаган:

«Ёлгон либоси ўзига жуда тор-лик қилиб қолган, уни бир то-монга тортоқчи бўлса, иккинчи жойи очилиб қолапти...»

«Кувонча тўлган ҳолда ниҳоят қурилиш учун майдон топ-ганинда, унутмагинки, у ер эмас, балки яхлаган қўлмақ бўлиши мумкин. Ва шунда баҳор кўёши яхши эритиши биланок, барпо этилган иморат кулаб тушади. Ишқилиб уста бу бинода ўз ис-мини шарафловчи хайқал ҳам ўрнатишга пул сарфламаган бўлсин-да!».

Қилмиш

Эгри йўл...

ГУРЛАНЛИК икки «шоввоз» — Баҳодир Атахонов ва Исро Абдуллаевлар қалта ўйла-ганлари, эгри қадам қўйганлари учун темир панжара ортига равона бўлишди. Улар қандай қилиб жиноят ботқоғига ботдилар? «Суддан оғзи куйган қатикни пуфлаб ичади» нақлини улар неча ёддан чиқарди?.. Аслида Баҳодир билан Исро қил ўтмас дўст. Ёшлари ҳам тенг. 41 да. Баҳодир «КамАЗ» русумли 22 О 0065 дав-лат рақамли хусусий машина ҳайдовчиси. Дўсти эса яқна тартиб-даги меҳнат фаолияти билан шуғулланади. — Дўстим, қорамол-ларни Қарши шаҳрига олиб бориш керак. Рози қиламан. Миқоз автомобиллар тўхташ жойида бизни қутди, — деди Исро Баҳодир-

га. — Булоқ суви истаган белни буқади, деган гапни эшитгансан. Сенга ҳам тир-кичлик керак, менга ҳам. Уйда 3 та қора кўз бер, деб турган бўлсан...

Шу йилнинг 2 февраль кунини Қарши шаҳридаги ав-томобиллар тўхташ жо-йида миқоз гурланликлар-ни кутиб турган эди. У қорамолларни машинага юклаб, ҳисоб-китобини нақд қилди. Миқоз билан хали хайр-хўшлашиб улгур-май, Баҳодирнинг қўл те-лефонига кўнгирик бўлди.

— Оллоҳ суйган бандас-ини сийлар экан. Малика олам телефон қилаётганлар. Тошкентдан Хоразмга олиб кетадиган юк бор экан. Бирга бораемиз. Сени ҳам қуруқ қўймайман, — деди

Баҳодир Исрога хурсанд-чилигини ярийрмай. Келишувга биноан 3 февраль кунини улар Бекте-мир тумани худудидидаги Қўйлик бозори яқинида жойлашган автомобиллар тўхташ жойига етиб ке-лди. Қиш кунини бўлса-да, ҳаво унчинг совуқ эмас.

Баҳодирнинг опаси Ма-лика Атахонова Шухрат Қозоқов бошқарувидаги «Нексия» русумли қизил рангли 30 X 8760 давлат рақамли энгил машинада келди. Машинадан 4 на-фар мардикор ҳам тушди. — Гап бундоқ, мана бу киши юк автомашини ҳай-довчиси Рустам ака бўла-дилар. Қозоғистонлик. 2 та 12 метрлик прицепдаги юкни машинага юклатасан,

— деди опаси Малика Ба-ҳодирга. — Қадқолган 2360 блокда «Хумсон» яхна ичимликлари ва 122 та қутди «Mond Ultra Lights» ёзувида 60240 қутиниқча турдаги ва 146 қутди худ-ди шундай ёзуви 73190 пачка қалин турдаги, чет элда ишлаб чиқарилган си-гареталар бор эди. Атроф-ларингда Шухратжон билан кўз-қулоқ бўлиб турамин. Тез юклаб йўлга равона бў-лаверинглар. Биз орқадан етиб бораемиз.

Иккала дўст таваккал қилиб «Қайдасан, Хо-разм», дея йўлга отланиш-ди. Мабодо манзилга эсон-омон етиб олишса, Баҳодир опасидан юк учун 1,500,000 сўм, Исро эса дўстининг қаватида мадад

бериб юргани учун 70 000 сўмни қуртдай санаб оли-шарди. — Дўстим, хабаринг бор, 2005 йил ноқонуний шакар маҳсулотини ташинганлигим сабаб, «ўтириб» чиққанман — дардиҳол қилди Баҳодир Исрога. — Ҳозир олиб бо-раётганимиз маркаси йўқ мол. Бунинг устига боқхо-на хизматининг розилиги ҳам олинмаган. Соғ-сало-мат, Хоразмгача борсак, ошигимиз олчи бўлади. Акс ҳолда мен рецидивистга айланаман, иккалаимиз ҳам қамаламиз.

Гурланлик таваккалчи-ларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Шу йилнинг 4 февраль кунини соат чама-си 17 ларда Бухоро вилояти-нинг Ромитан туманида жойлашган А-380 автома-бил йўлининг 235 кило-метрида туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ходимлари «Ка-мАЗ»-5320 русумли, 22 О 0065 давлат рақамли ав-томашинани тўхташди.

Автомашина юкхонаси ва тиркамаси ҳолислар

Газетанинг навбатдаги сони 8 сентябрь, сешанба кунини чиқади.

иштирокида текширилган-да юкхонада ҳам, тиркама-да ҳам «Хумсон» ичимлиги, сигареталар, муғомбирлик билан териб чиқилган эди. Барча ноқонуний товарлар ҳужжатлаштирилди. Шу йилнинг 20 май кунини жиноят ишлари бўйи-ча Когон шаҳар суди суд-ланувчилар Баҳодир Ата-хонов ва Исро Абдулла-евларга нисбатан адолат-ли хукм чиқарди.

Суд ҳукмига кўра, 145 478 000 сўмлик акция мар-касиз тамаки маҳсулотла-ри йўқотилди. Баҳодир Ата-хонов бошқарувидаги 31 548 149 сўм баҳоланган «Ка-мАЗ»-5320 русумли 22 О 0065 давлат рақамли авто-машини ва тиркамаси, умумий нархи 5 664 000 сўмлик «Хумсон» яхна ичимлик-лари давлат фойдасига му-содара қилинди.

Луқмон ҚОДИРОВ, жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди раиси, Валижон ЮСУПОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН		Бош муҳаррир: Қўчқор НОҚОБИЛ		ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуҳалим Абдураҳмонов, Мустафоев Бўристон Мустафоевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич, Матрақулов Давлатшарар Раҳимберганиевич, Тўраев Тўра Эргашевич, Сайёв Шоҳир Қамолевич, Ҳамроев Исрол Ҳамзаевич		Навбатчи: Ербек ИСКАНДАРОВА	Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАҲУПОВА	Индекс: 646882	МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайлиғоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50 e-mail: info@press-ig.uz		
МУАСССА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 1996 йилнинг январидан ишар этилган		2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуоти ва Аxbорот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган ISSN 2010-7897						«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳақида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-715. Тиражи — 13718. Босилга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00 — тижорат мақола.		1 2 3 4 5	